



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Халқаро аудит стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботлар аудити ва уни яқунлаш босқичлари

Аҳмаджонов Азимжон Каримжон ўғли

Тошкент давлат иқтисодий университет, мустақил изланувчиси

Ёзишмалар учун муаллиф электрон почтаси: akhmadjonov9696@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 19.07.2022
Қабул қилинган вақти: 01.08.2022

Калит сўзлар: режалаштириш, бошқарув жараёни, биринчи ҳисобот, такомиллаштириш, ўтиш, ўзгартиришлар, йиллик режалаштириш, жорий режалаштириш, ҳужжатлаштириш, МХХС, биринчи қўллаш, биринчи ҳисобот.

Аннотация

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) бўйича ҳисоботни тайёрлаш масалалари Ўзбекистон ва хорижий компаниялар учун ҳозирда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда ва долзарб бўлиб қолмоқда. Халқаро ёндашувларнинг таҳлили амалга оширилиб, молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқ тузиш истиқболлари белгиланмоқда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш истиқболлари кўриб чиқилмоқда. Бу Ўзбекистон компанияларига биринчи МХХС асосида молиявий ҳисоботларини тайёрлашни дастлабки режалаштиришда бир қатор муаммолардан қочишга ёрдам беради.

Audit of financial statements in accordance with international auditing standards and stages of its completion

Ahmadjonov Azimjon Karimjon ogli

Tashkent State University of Economics, independent researcher

Corresponding author: email: akhmadjonov9696@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 26.07.2022
Accepted: 01.08.2022

Key words: planning, management process, first report, improvements, transitions, changes, annual planning, current planning, documentation, IFRS, first application, first reporting

Abstract

The issues of preparing reporting in accordance with International Financial Reporting Standards (IFRS) are currently of particular interest and are relevant for both Uzbek and foreign companies. A general analysis of the international approach is carried out and prospects for the preparation of financial statements in accordance with IFRS are given, as well as the prospects for reforming accounting in the Republic of Uzbekistan are considered. This can help Uzbek companies avoid a number of problems in the preliminary planning for the preparation of the first IFRS financial statements.

Кириш

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазият халқаро бозор иштирокчиларини зарур маълумотларга эга бўлишини енгиллаштириш учун махсус ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг муайян қоидаларига риоя қилишга мажбур қилмоқда. Ушбу стандартлар орасидаги фарқ фойдаланиш

мақсадига боғлиқ. Сўнгги пайтларда маҳаллий компаниялар учун энг долзарб стандарт БҲМС бўлиб, унинг мақсади назорат қилувчи ва солиқ органларига маълумот беришдан иборат эди. Бугунги кунда эса, ташкилот халқаро миқёсда ўз маҳсулоти ва хизматларини тақдир қилиш имкониятига эга бўлиш учун молиявий амалиётлар учун зарур барча маълумотларни ўз ичига олган МХХСга мувофиқ

хисоботни тақдим этиши ва уни халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиши шарт.

Молиявий ҳисобот маълумотлари корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва аудитдан ўтказиш учун асосий маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Молиявий ҳисоботлар тўлиқ, етарли, объектив ва ишончли ахборот базасини акс эттириб, унинг асосида корхона мулки ва молиявий ҳолати тўғрисида фикрга эга бўлиш ва аудиторлик хулосасини олиш мумкин. Қонунчиликка мувофиқ, молиявий ҳисобот маълумотларнинг очиқ манбаи бўлиб, унинг таркиби, мазмуни ва тақдимот шакллари асосий параметрлар бўйича бирлаштирилганлиги сабабли, уни ўқиш ва таҳлил қилишнинг, шунингдек, аудиторлик текширувидан ўтказишнинг стандарт усуллари ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

МХХС ҳисобот шакллари учун махсус шаблонлардан фойдаланишни талаб қилмайди, шунинг учун МХХС баланси ташкилот ўзи танлаган шаклда бўлиши мумкин. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботдаги моддаларни тақдим этиш ва таснифлаш ҳар бир даврда бир хил бўлиши керак, фақат қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: бошқа тақдимот ёки таснифлаш янада ишончли бўлиши аниқ бўлганда. Ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш мезонлари 8-сон МХХС Операцион сегментлар “Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳосидаги ўзгаришлар ва хатолар”да кўрсатилган. Бу масалан, корхона фаолияти моҳиятидаги сезиларли ўзгаришлардан ёки МХХС ҳисоботларини таҳлил қилишдан кейин содир бўлиши мумкин. Мажбурий ўзгартириш – МХХС ўзгарган тақдирда аудитор томонидан талаб қилинади.

Адабиётлар шарҳи

МХХС асосида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишни Ж. Маклин, Г. Симесон, Д. Смитбург, Т. Левитт, Р. Додж, Р. Адамс, Д. Робертсон ва бошқалар каби хорижий олимлар амалга оширганлар. Шунингдек, бу йўналишда рус тадқиқотчилари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган: В.Д. Андреев, А.М. Богомолов, Н.А. Голошчапов, О.Е. Терехова ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Дилшод Султонов ўзининг маърузасида “Ҳукумат глобал иқтисодиётга интеграцияни тезлаштириш орқали ўтишни амалга ошироқда. Бу мақсадга рақобатбардош иқтисодиётни яратиш орқали эришиш мумкин, бунинг учун муҳим таркибий қисмлардан бири - хорижий инвесторлар ишонадиган юқори сифатли молиявий маълумотларнинг мавжудлигидир. Бундай натижага МХХС асосида молиявий ҳисобот тузиш орқали эришиш мумкин” деб таъкидлаб ўтган(uzdaily.uz/ru/post/53013).

С.Н. Ташназаровнинг фикрига кўра “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – бу молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари зарурияти, ишлаб чиқиши, уларнинг

мазмуни, интерпритацияси ва қўлланилишининг назарий ва методологик масалаларини ўрганувчи қисмидир”(С.Н. Ташназаров,2016).

В.А. Терехованинг фикрига кўра “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини турли мамлакатлар томонидан қўлланилишининг асосий сабабларидан бири компаниянинг харажатлари камайганлиги ҳақида ҳисобот бериш.” Бизнинг фикримизча, ушбу фикр юзасидан бир қанча изланишлар олиб бориш керак, чунки Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисоботдаги моддаларни баҳолаш учун бухгалтерия қоидаларига қараганда бир оз бошқача қоидаларни назарда тутати(Терехова В.А.,2000).

О.В. Соловьёвнинг сўзларига кўра, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳақиқатан ҳам халқаро аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб мамлакатларнинг тажрибаларини бирлаштиради”. Бизнингча, бу позиция тўлиқлигича тўғри эмас. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида континентал бухгалтерия моделининг элементлари мавжуд эмаслиги; бухгалтерия ҳисоби процедураларини стандартлаштиришни мураккаблаштирадиган молия-хўжалик фаолияти бўйича ягона (ҳатто тавсиявий) сўтлар режаси мавжуд эмаслиги; барча ривожланган давлатлар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Комитетида қатнашмаслиги.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлашини ҳисобга олган ҳолда ва дунёда ҳозирги кунда COVID-19 пандемиясида компанияларда ноаниқлик шароитида қарорлар чиқариш масаласи долзарб бўлиб бормоқдалиги, натижаларни умумлаштириш корхона фаолиятида аниқланган четга чиқишларни бартараф этиш бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган текширув натижаларини гуруҳлаштириш ва тизимлаштириш бўйича методик услублар мажмуасини ўз ичига олади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Молиявий ҳисобот аудити – бу текширувнинг бир тури бўлиб, унинг якунларига кўра, инспекциядан ўтказилаётган субъектнинг бухгалтерия

хужжатларини шакллантириш ва ҳисобини юритишнинг тўғрилигини аниқлаш мумкин. Бухгалтерия молиявий ҳисоботи аудитининг асосий мақсади малакали ходимларнинг текширилаётган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва қонунийлиги тўғрисидаги фикрларини ёзма равишда акс эттиришларидан иборатдир (hi-audit.ru/publikatsii/3-stati/91).

Молиявий ҳисоботни текшириш, яъни аудит, қоидага кўра, аудиторлик ташкилотларининг асосий даромад моддалари ҳисобланади, ва амалиётда, одатда, аудиторлик фаолияти деганда, молиявий ҳисоботнинг айнан шу тарзда текширилиши назарда тутилади (cyberleninka.ru/article/n/audit-finansovoy-otchetnosti)¹

Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади аудиторга, молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг белгиланган тамойилларига мувофиқ тайёрланганлиги ёки йўқлиги ҳақидаги фикрни билдириш имкониятини тақдим этишдан иборат (www.cfin.ru/ias/msfo/review.shtml).


Молиявий ҳисобот аудити – бу ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоботини мажмуавий текшируви бўлиб, маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаш ва уни тўлдиришдаги хатоларни аниқлаш учун ўтказилади. “Ишончлилик” тушунчаси молиявий ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг аниқлик даражасини ифодалайди ва ундан фойдаланувчиларга

аудитдан ўтказилаётган шахснинг хўжалик фаолияти натижалари, молиявий ва мулкӣ ҳолати ҳақида тўғри хулосалар чиқариш ҳамда шу хулосаларга таяниб асосланган қарорларни қабул қилиш имконини беради (www.vectoreconomy.ru/images/publications/2019).

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот аудити ҳали ҳеч қачон бунчалик муҳим роль ўйнамаган. Хўжалик фаолиятини юритишнинг бугунги шароитларида ҳар қандай компаниянинг молиявий ҳисоботи ҳеч қачон бугунгидек батафсил ва танқидий таҳлилга учрамаган. Инвесторлар корпоратив бошқарув ва ҳисобот тайёрлашнинг турли жиҳатлари борасида чуқур хавотирда бўлиб, кўпроғини: кўпроқ фактларнинг ишончлилиги, кўпроқ батафсил назорат, шунингдек, компанияда самарали фаолият мавжудлигига ишонттирувчи далилларни кутмоқдалар.

Жорий активлар – бу ҳисобот даври тугагандан кейин 12 ой ичида ёки корхонанинг одатдаги амалий циклида сотиладиган ёхуд савдо мақсадларида сақланадиган активлар. Бунга нақд пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳам киради, ҳисобот даври тугагандан кейин 12 ой ичида мажбуриятларни алмаштириш учун чекловлар қўйилади.

Агар активлар қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берса, жорий активлар сифатида таснифланади (1-расм):



1-расм. Жорий активлар мезонлари.

Қисқа муддатли мажбуриятлар – бу ҳисобот санасидан кейин 12 ой ичида ёки операцион цикл давомида бажарилиши керак бўлган, 12 ойга қолдирилиши мумкин бўлмаган мажбуриятлар. Буларга, шунингдек, савдо учун махсус бажариладиган мажбуриятлар ҳам киради.

Бошқа мажбуриятлар узоқ муддатли ҳисобланади.

Агар корхона ўз хоҳишига кўра, мавжуд кредит линияси бўйича ҳисобот даври тугагандан кейин камида 12 ой муддат ичида мажбуриятни қайта молиялаштириш ёки узайтиришни кутса, у бу мажбуриятни узоқ муддатли деб таснифлайди. Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ҳам узоқ муддатли мажбуриятлардир.

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/audit-finansovoy-otchetnosti>




2-расм. Қисқа муддатли мажбуриятлар мезонлари.

Мажбурият қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган бўлса, қисқа муддатли деб таснифланади (2-расм), бошқа барча мажбуриятлар узоқ муддатли деб таснифланиши керак:

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг

тузилиши. МХХС мажбурий баланс форматини ўз ичига олмайди, лекин ҳисоботнинг кўргазмали намунасини тақдим этади.

Одатда, амалиётда икки хил ҳисобот формати қўлланилади (3-расм):



3-расм. Ҳисобот форматлари.

Ҳисобот корхонанинг молиявий ҳолати ва компанияга ишониб топширилган ресурсларни бошқариш натижалари тўғрисида тушунча бериши керак. МХХСда ягона баланс формати ўрнатилмаган. МХХС молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда мустақил тақдимотни талаб қиладиган минимал элементлар тўпламини ўз ичига олади, чунки улар табиати ва функциялари билан фарқ қилади.


1-сон МХХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” молиявий натижалар тўғрисидаги маълумотни умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисобот шаклида шакллантиришни тартибга солади. Шу билан бирга, умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ташкилотнинг фойдаси ёки зарари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар акс эттирилмаслиги керак (Курманова А.Х., 2014).

Аудит жараёнида МХХСга мувофиқ ҳисобот шаклига қатъий талаблар қўйилмайди, талаб қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд эмас, уларнинг жойлашиш тартиби ва номи тартибга солинмаган, лекин, фақат минимал рўйхати,

яъни: даромад, молиялаштириш харажатлари, корхона ва қўшма корхоналарнинг капитал усули ёрдамида ҳисобга олинadиган фойда ёки зарардаги улуши, солиқ харажатлари, фойда ёки зарар ва блар аниқланади. Ҳисоботнинг ўзига хос шакли корхона томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, Аудитор 1-сон МХХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”га мувофиқ, ҳисобот моддаларини гуруҳлаштириш бўйича икки хил ёндашувни тавсия қилади: “Харажатларнинг моҳияти” усули ва “Харажатлар функциялари” усули (4-расм).

“Харажатлар моҳияти” ёндашуви иқтисодий элементлар бўйича харажатларни таснифлашга асосланади ва уларни шакллантириш манбаларини очиб беришга имкон яратади. “Харажатлар моҳияти” услубидан фойдаланган ҳолда амалий фаолиятнинг молиявий натижасини аниқлаш маҳсулот (товар, иш, хизмат) сотишдан тушадиган маблағларни ҳисобот даври харажатларининг қолдиғидаги ўзгаришларга боғлиқ.



4-расм. Харажатларни гуруҳлаштириш бўйича ёндашувлар.

Молиявий натижаларни “Харажатлар функцияси” усули ёрдамида ҳисоблаш сотишдан тушган маблағни

сотилган маҳсулот таннархи билан таққослашга асосланган (Овчинникова О.А., Парушина Н.В., 2015).

Молиявий натижалар тўғрисидаги миллий ҳисобот, халқаро версиядан фарқли ўлароқ, белгиланган шаклда тақдим этилган ва тузиш учун ягона қоидаларга эга. МҲХС атамашунослигига асосланган ҳисобот формати “Харажатлар функцияси” усули асосида тузилган.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот “cash flow” деб ҳам аталади. Албатта, бу ҳисобот тури муайян даврдаги молиявий ҳолат ва тўлиқ даромад тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиради. Аммо, агар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ташкилотнинг маълум бир даврида, яъни ҳисобот даври охиридаги молиявий ҳолатини акс эттирсин, ва, фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисобот компаниянинг ушбу даврдаги фаолияти натижаларини акс эттирсин, у ҳолда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири билан содир бўлган ўзгаришларни ҳисобот даврининг бир санасидан бошқасига нақд пул шаклида белгилайди.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилишдан олдин, асосий атамаларни кўриб чиқиш лозим:

нақд пул – кассадаги ва ташкилотнинг ҳисобварақларидаги пуллар;

нақд пул эквиваленти – қисқа муддатли ва юқори ликвидли инвестициялар, олдиндан белгиланган миқдордаги пулга конвертация қилинади, бунда қийматини йўқотиш хавфи камдир. 7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш” пул маблағлари эквиваленти учун мезон сифатида уч ойлик муддатни ёки бошқа қисқа муддатни тақлиф қилади;

пул оқими – пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган тўлов ва тушумлар.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот – бу икки турдаги ҳисоботнинг, яъни, молиявий ҳолат ва тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг биргаликда мавжуд бўлишидир. Шу сабабли, у охириги молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ва капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботдан кейин тузилади.

Хулоса ва тақлифлар

7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш” 10-банди талабларига мувофиқ, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда операцион, инвестицион ёки молиявий фаолият бўйича таснифланган давр учун пул оқимлари кўрсатилиши керак.

Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимлари – ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолияти, инвестиция ва молиялаштиришдан ташқари бошқа фаолиятдир, бу асосан, банк фаолияти билан боғлиқ бўлган пул оқимларидир, яъни:

олинган/тўланган фоизлар;

қабул қилинган/тўланган комиссиялар;

савдо операцияларидан олинган соф фойда ва зарарлар;

фойда ёки зарар орқали ҳақиқий қиймат билан қайта баҳоланган, таснифланган молиявий активлар

бўйича соф фойда ва зарарлар;

фойда ёки зарар орқали адолатли қиймат бўйича таснифланган молиявий мажбуриятлар бўйича соф фойда ва зарарлар;

сотиш учун мавжуд деб таснифланган молиявий активлар бўйича соф фойда ва зарарлар;

тўлаш муддатига қадар ушлаб туриладиган таснифланган молиявий активлар бўйича соф фойда ва зарарлар;

олинган дивидендлар;

чет эл валютаси билан операциялари бўйича соф фойда ва зарарлар;

чет эл валютасини қайта баҳолашдан олинган соф фойда ва зарарлар;

бошқа операцион даромадлар;

иш ҳақи ва маъмурий харажатлар;

бошқа операцион харажатлар;

тўланган даромад солиғи.

Инвестиция фаолияти бўйича пул оқимлари – бу узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва пул эквиваленти билан боғлиқ бўлмаган бошқа инвестициялардир. Номидан кўришиб турибдики, инвестиция фаолияти – бу кредит муассасасининг фаолияти, унинг мақсади молиявий ва бошқа маблағларни узоқ муддатга тикиш орқали қўшимча даромад олишдир.

Нақд пул ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни икки йўл билан тайёрлаш мумкин.

1) Тўғридан-тўғри усул. Бу ялпи тушумлар ва ялпи тўловларнинг асосий синфларини очиб берадиган усул бўлиб, унга мувофиқ, ялпи тушум ва ялпи тўловларнинг асосий синфлари тўғрисидаги маълумотни икки йўл билан олиш мумкин:

тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтган реестрлардан;

тегишли ҳолатлар бўйича тузатишлардан фойдаланган ҳолда молиявий ҳолат ва тўлиқ даромадлар тўғрисидаги ҳисоботдан.

Тўғридан-тўғри усулдан фойдаланган ҳолда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишда МҲХС бўйича мутахассислар турли хил бухгалтерия ҳисобварақларидаги пул оқимларини таҳлил қилиши ва фаолият турларига (операцион, молиявий ёки инвестициявий) қараб пул оқимларини таснифлашлари керак.

Қуйидагилар тўғридан-тўғри усулнинг афзалликлари ҳисобланади:

тушумнинг асосий манбалари ва нақд пул оқимининг йўналишларини кўрсатиш қобилияти;

турли хил жорий мажбуриятлар бўйича тўловлар учун маблағларнинг етарлилиги тўғрисида тезкор хулосалар қилиш қобилияти;

нақд пул режасига тўғридан-тўғри боғланиш (нақд пул тушумлари ва тўловлари бюджети);

ҳисобот давридаги савдо ва пул тушумлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш қобилияти ва б.

Тўғридан-тўғри усулнинг камчилиги шундаки, у олинган молиявий натижа ва ташкилот маблағларининг абсолют миқдоридаги ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни ошкор қилмайди.

2) Билвосита усул. Операцион фаолият мазмунидан келиб чиқиб, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни

тўғридан-тўғри қурилиш алгоритмига қарама-қарши бўлган усул ёрдамида ҳам олиш мумкин.

Билвосита усулдан фойдаланилганда, корхонанинг соф фойдаси ёки зарари нақд пулсиз операциялар натижаларига, шунингдек, операция капиталнинг ўзгаришига қараб тузатилади. Шундай қилиб, бу усул:

ташкilot фаолиятининг ҳар хил турлари ўртасидаги муносабатни кўрсатади;

ҳисобот давридаги соф фойда ва ташкilot капиталдаги ўзгаришлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатади.

Ҳисоб-китобларнинг соддалигидан ташқари, билвосита усулдан фойдаланишнинг асосий афзаллиги шундаки, у молиявий натижалар ва асосий фаолиятга жалб қилинган капиталнинг ўзгариши ўртасида ёзишмаларни кўрсатиш имконини беради. Узоқ муддатли истиқболда ушбу усул музлатилган маблағларнинг энг муаммоли “тўпланиш жойлари”ни аниқлашга, ва шунга мос равишда, вазиятдан чиқиш йўллари белгилашга имкон беради.

Маълумотларнинг мавжудлиги муҳим омил

ҳисобланади. “Амалиётлар” бўлимининг моддаларини тўғридан-тўғри усул билан тўлдириш учун зарур бўлган маълумотларни ташкilotнинг умумий пул оқимидан ажратиш асосан жуда қийин бўлиб, уни шакллантириш харажатлари анча юқори.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://hi-audit.ru/publikatsii/3-stati/91-audit-finansovoi-otchetnosti-rasprostranennye-oshibki-i-poryadok-provedeniya/>
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/audit-finansovoy-otchetnosti>
3. <https://www.cfin.ru/ias/msfo/review.shtml>
4. <http://www.vectoreconomy.ru/images/publications/2019/12/accounting/Zamaldinova2.pdf>
5. Курманова А.Х.// Халқаро бухгалтерия ҳисоби. 2014 й. №11
6. Овчинникова О.А., Парушина Н.В. Самарқанд давлат иқтисодиёт университети журнали – 2015 й. № 4